



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN SHIQQ BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОИЙ ГАЗЕТА

№ 10 (4512) 2019 ЙИЛ 8 МАРТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАБ ЎТҚАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам опа-сингиллар! Хурматли дўстлар!

Бугун мана шундай дилбар, қутлуғ баҳор айёмда сиз, муносиб оналаримиз, хурматли опа-сингилларимиз, сулув қизларимизни ўзларингиз каби гўзал байрамнингиз — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини табриқлаб, барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларимни билдираман.

Қадрли юртдошлар! Ҳаммамиз яхши тушунагимиз, "Меҳр — ҳаётнинг устуни", деган сўзларда чуқур маъно ва мазмун мужассам.

Бу ҳақда гапирганда, муқаддас она, аёл зоти — чинакам меҳр бўлиши, меҳр кўеши, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Шу кўеб бор экан, меҳр-оқибат, эзгулик ва адолат, фаро ва салоқат каби буюк қадриятлар неча асрлардан буён безавол яшаб келмоқда.

Шу боис бугунги қувончли айёмда аввало дунёда "фидойи" деган сўзга энг муносиб бўлган Она сиймоси олдига таъзим қиламиз. Ҳаётнинг қувончи, хонадонларимиз кўрки бўлиши азиз аёлларимиз шайнига энг гўзал тилакларимизни изҳор этамиз.

Ер юзиде сўз ва соз санъати, шориру ҳофиз, рессом ва ҳайкалтарош пайдо бўлибдики, она ва аёл зоти юксак парадларда тараннум этиб келинади. Улуғ шоиримиз Эркин Воҳидов айтганларидек, "Оламда аёл мадҳига дoston тугамайди". Чунки, аёл сиймоси Яратганининг тенгсиз мўъжизаси бўлиб келган ва ҳаммиса шундай бўлиб қолади.

Бизга мана шу эруғ, гўзал оламни янада гўзал ва эруғ қилиб турганларингиз учун катта раҳмат сизларга!

Биз — Ўзбекистоннинг мард ўғлонлари, эр йигитлари сиз, азизларга бўлган ҳурматимиз, меҳр ва муҳаббатимизни оилаларимиз, эл-юртимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилишга қаратилган амалий ишларимиз билан изҳор этишга интилоқдамиз.

Биз халқимиз розилигини, аввало, сиз, муҳтарам оналаримиз, опа-сингилларимизнинг розилиги деб тушунагимиз. Сизларнинг соғ-саломат бўлиб, бахтли бўлиб яшашингизни амалга ошираётган барча-барча ҳаёт шартларининг асосий мақсади ва мезони деб биламиз. Бу йилда эришган натижаларимиз фақатгина биринчи қадамлар бўлиб, сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз, дуоларингиз, ҳеч шубҳасиз, бизга чексиз куч-ғайрат бағишлайди.

Қадрли опа-сингиллар! Матлуқимиз, ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Лекин сизларнинг барча соҳалардаги самарали меҳнатингиз, фарзандлар тарбияси, оила ҳаётидаги улкан хизматларингизни ҳисобга олиб айтидиган бўлсак, жамиятдаги ўрнингиз, Ўзбекистонимиз эришяётган ютуқлардаги беқиёс ҳиссангизни ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёдин, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ ҳўжалигида 45 фоиздан орткини, саноатда 38 фоизни ташкил этмоқда. Ва сизларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатларингиз давлатимиз, халқимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда.

Мустақиллик йилларида 2 минг 180 нафардан ортки хотин-қизларимиз юксак давлат мукофотлариغا сазовор бўлгани ҳам шундан далолат беради. Уларнинг орасида ўнлаб Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан арбоблари, халқ ўқитувчилари, халқ шоирлари, халқ артистлари борлигини алоҳида таъкидлаб айтамоқчиман. Бугунги давраимизда турли жабуаларда астойдил меҳнат қилаётган ана шундай жонқуяр, оқила, меҳр-оқибатли аёлларимизни, уларнинг давомчилари бўлган истеъдодли қизларимизни кўриб турганимдан хурсандман. Уларнинг барчаси Ўзбекистон инсоний салоҳиятининг олтин фондиди ташкил этади, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Мамлакатимиз тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш йўлидаги самарали меҳнатингиз, эзгу фаилатларингиз билан ҳаммага ўрнак бўлиб келаятганингиз учун сизларга ўз номимдан, кўп миллатли бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Хурматли юртдошлар! Барчангизга маълумки, биз "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент фармониин қабул қилидик. Утган қисқа даврда ушбу фармон доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та фармони, 2 та қарори, ҳукуматимизнинг 6 та қарори ва 4 та фармойишини қабул қилидик.

Ана шу ҳужжатлар асосида илгари имкониятлари чеклибди, фаолияти сувайиб қолган Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари бу-

туналай янги асосда ташкил этилди. Уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, самарали фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилди. Ҳозирги кунда ушбу тизимда катта билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган 10 миңдан ортки опа-сингилларимиз хизмат қилмоқда.

Хотин-қизлар кўмитасининг ҳудудий бўлимлари қошида "Ҳуқуқшунос аёллар", "Илм-фан ва аёл", "Ижодкор аёллар", "Ташаббускор аёллар", "Аёл ва саломатлик", "Фахрий аёллар" жамоатчилик уюшмалари ташкил этилди. "Ил аёли", "Ибратли оила" ташкилоти ўтказилмоқда. Энг асосийси, амалга оширилган ана шундай муҳим чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва юртимиздаги сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорлик кучайтирилиб, 3 мингга яқин етакчи хотин-қизлардан иборат қадрлар захираси шакллантирилгани эътиборга лойиқдир. Айни вақтда ижтимоий фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориш, уларни ўқитиш, маълумотиин ошириш тизими яратилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда хотин-қизлар ҳаракати катта салоҳият ва истиқболга эга эканини кўрсатади.

Хабарингиз бор, бу йил юртимизда миллий парламентимиз ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Ана шу сайловларга аёлларимиз ҳам катта тайёрлик кўрмоқда. Шу мақсадда жойларда "Депутатликка старт" акциялари ташкил этилаётганини биз албатта қўллаб-қувватлаймиз.

Сизларга маълумки, ҳозирги пайтда мамлакатимиз депутатлар корпусининг 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Утган икки йиллик тажрибамизни, аёлларнинг сиёсий онги ва савияси ошиб бораётганини инобатга олиб, бу рақамни анча кўпайтирсак, ўйлайманки, адолатдан бўлса.

Хотин-қизлар кўмитасининг халқаро фаолияти ҳам кучайиб бормоқда. Масалан, янги тузилган Ўзбекистон иттиҳорчи аёллари маркази ташаббуси билан юртимиз оилмалари ўтган йили Корея Республикасида ташкил этилган халқаро форумда муносиб иштирок этидиклар.

Муҳтарам дўстлар! Бугунги давраимизда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Франция Республикасининг Фавкуллода ва мухтор элчиси Виолет де Вильмор, Хитой Халқ Республикасининг Фавкуллода ва мухтор элчиси Цзян Янь, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Елена Фрейзер, Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги тури ваколатхоналарининг раҳбарлари бўлган Ашира Миттал, Миеро Ябута, Лиан Купленс, Мария дель Пилар Алварез-Ласо хонимларини кўриб турганимиздан гоят мамнуним.

Мамлакатимиз билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ана шу ҳурматли меҳмонларимизни Халқаро хотин-қизлар куни билан қутлаб, эзгу тилакларимизни билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз опа-сингиллар! Барчангизга маълумки, биз учун меҳр-муҳаббат кўргони бўлган оила институтини мустақамлаш кейинги пайтда юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ана шу сиёсатни белгилайдиган муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустақамлаш концепцияси қабул қилинди. Мазкур концепцияни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази қайта ташкил этилди.

Оила масаласини комплекс ўрганиб, мавжуд ҳолатни таҳлил этиш, мониторинг қилиш ва баҳо беришга, илмий тадқиқотлар орқали оила фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган янги тизим яратилди.

Илгари Азия вазирилик тасарруфида бўлган фуқаролик ҳолатига оид ҳужжатларини қайта этиш идоралари туман ва шаҳар ҳокими ўринбосари — Хотин-қизлар кўмитаси раисига бўйсундирилди. Ҳозирги вақтда улар томонидан оила институтини мустақамлаш, ажралишларнинг олдини олиш бўйича фаол иш олиб боришмоқда.

Албатта, бу бордада белгиланган чора-тадбирларнинг мазмуни, сифати ва самарасини ошириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Бугунги кунда изчил амалга ошириляётган "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла", "Ешлар — келажакимиз", "Ҳар бир оила — тадбиркор" каби дастурлар айнаи шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бутун "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни имзоладим.

Бу қарорда аёлларнинг меҳнат ва пенсия соҳасидаги ҳуқуқлари, гендер тенглигини таъминлаш бўйича мулақо янги кафолатлар белгилаб берилмоқда. Аёлларга ўз бизнесини ташкил этиш, бизнес гоёларини тайёрлашга ёрдам бериш, узоқ вақт давомида бола тарбияси билан банд бўлган, оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган аёлларни талаб катта бўлган касбга тайёрлаш ва ишга жойлаштиш учун уларга қўмаклашиш мақсадида Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилмоқда. Аёллар тадбир-

корлик билан шуғулланишлари учун 100 миңлиқ сўм ажратилади. Бу маблағ уларга имтиёзли кредит сифатида берилади. Мазкур маблағларнинг камида 50 фоизи қишлоқ жойларда яшаётган хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш учун йўналтирилади.

Биз опа-сингилларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бу боралдаги эзгу ишларни бундан буён ҳам давом эттираимиз.

Қадрли юртдошлар! Халқимизда "Эл соғини — юрт бойлиги" деган мақол бор. Ҳақиқатан ҳам, тинчлик билан соғдин асрасак, қолган ҳамма нарсга эришамиз.

Бу масалада хурматли аёлларимизнинг саломамлигини мустақамлаш биз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда барча ҳудудларимизда перинатал, скрининг, репродуктив салаоматлик ва диагностика марказлари фаолият кўрсатмоқда. Турмуш бўлимлари, кўп тармоқли поликлиникалар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари сони ортки бормоқда. Ушбу тиббиёт масканлари аёллар ва қиз болалар йил давомида чуқурлаштирилган кўриқдан ўтказилиб, уларга доимий патронаж хизмати кўрсатишмоқда. Бу эса оналар ва болалар салаоматлигини мустақамлаш учун замин яратиши шубҳасиз.

Хотин-қизларда учрайдиган касалликларини барвақт аниқлаш ва даволаш ишлари самарали ташкил этилаётгани тўғрисида аёллар ўртасида касалликлар қарийб 2 баробар, оналар ўлими 3 марта, гўдаклар ўлими эса салкам 4 марта камайди. Утказилган скрининг текширувлари натижасида 2018 йилда 5 миң нафар чақалоқда оғир нуқсонлар билан туғилиш хавфи бартараф этилди.

Утган йилдан бошлаб биз бу борда яна бир катта ишни бошладик. Яъни, барча шаҳар ва туманлар, айниқса, узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги марказий поликлиникалар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари қошида аёллар учун маслаҳатхоналар ва болалар салаоматлик марказлари ташкил қилинмоқда.

Яъни биласизлар, мен "Боғчага борган болта билан боғчага борган боланинг ўртасида катта фарқ бор", деган фикрни, ҳаётий ҳақиқатни тақдор-тақдор айтишдан, уни ҳамма жойда даъват қилишдан чарчамайман. Утган даврдаги икки йиллик тажрибамиз ва жойларда аҳоли билан оғир бораётган мулоқотларимиздан келиб чиқиб, ана шу фикрга қўшимча қилиб айтмоқчиман: "Боғчага борган боланинг онаси билан боғчага борган боланинг онаси ўртасида ҳам катта фарқ бор". Чунки ҳар кун тарбиячилар, педагог мутахассислар, психологлар, тиббиёт ходимлари билан мулоқотда бўлиб, боласидаги ижобий ўзгаришларни кўриб, оналарнинг ҳам биллими, ҳаётий тажрибаси, маланий савияси ошади. Болалари билан бирга улар ҳам ижтимоий-маънавий тарбия муҳитига, жамиятга яқинлашади, фаолашади. Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, биз мактабга таълим соҳасига улкан эътибор бермоқдамиз.

Ўйлайманки, меҳрибон оналар, бувижонлар сифатида бунинг аҳамиятини сизлар ҳаммадан кўра кўпроқ тушунасизлар. Бугунги кунда мамлакатимизда 7 миң 104 та мактабга таълим маскани фаолият кўрсатмоқда. Кейинги 2 йил давомида 2 миң 211 та янги боғчалар ташкил этилиб, уларга қўшимча 243 миң бола қабул қилинди. Бошқача айтганда, юртимизда боғча ёшидаги болаларни мактабга таълим муассасалари билан қамраб олиш даражаси сўнгги бир ярим йилда 12 фоизга ошди, 38 фоизни ташкил этмоқда.

Биз яқин 4-5 йилда юртимиздаги боғча ёшидаги болаларни мактабга таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олиш вазифасини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу — бизнинг аёлларимиз, болаларимиз олдидеги қарзимиз, керак бўлса, келажак олдидеги муқаддас вазифамиз ва биз уни албатта адо этамиз.

Олий таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда Жанубий Корея, Буюк Британия, Россия, Ҳиндистон, Италия, Сингапур, Латвия каби давлатларнинг 14 та университети ва институтларининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, вилоятларда ташкил этилган республика олий ўқув юртларининг 23 та бўлими ҳам иш олиб бормоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги олий таълим масканларида 373 миң 500 га яқин ёшларимиз таълим олмақда. Улардан 168 миң 470 нафарини, яъни 45,1 фоизини қизлар ташкил этиши алоҳида эътиборга лойиқ.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Мамлакатимизда болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг билим олиши, меҳнат қилиши, муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича эришляётган натижалар нафақат юртимиз аҳолиси, балки халқаро ҳамжамият, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ҳам эътибор этилмоқда.

Бу бордада баъзи мисолларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Охириги икки йилда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кредитлар ажратиш ҳажми 2 баробар оширилди.

Кўёслаш учун айтидиган бўлсак, агар 2014-2016 йилларда тижорат банклари томонидан хотин-қизларга тадбиркорлик учун жами 3 триллион 800 миңлиқ сўм кредит ажратилган бўлса, биргина 2018 йилнинг ўзида эса бу кўрсаткич 3 триллион 361 миңлиқ сўмни ташкил этди.

Ўйлайманки, мана шу рақамларнинг ўзи ҳам кўп нарсдан далолат беради.

Бундан ташқари, янги ташкил этилган Хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан йиллик тўлови 7 фоиз бўлган имтиёзли кредитлар бериш тизими жорий этилди. Бу мақсадлар учун ўтган йили 50 миңлиқ сўм ажратилди. Бу эса аёлларнинг оилалар, фарзанд тарбиясида ажралмаган ҳолда, хунарманлик, касаначилик, томорқа ҳўжалиги билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратиш беришга хизмат қилады.

Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан жойларда 2018 йилда 2 миңдан зиёд кичик цех ташкил этилиб, 18 миңга яқин хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Анджон, Наманган, Фарғона вилоятларида "Хунарман" уюшмаси билан ҳамкорликда "Устоз-шогирд" тизими асосида ишчи хотин-қизлар бандлигини таъминлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда бу тажрибани барча ҳудудларда қўллаш бўйича иш олиб боришмоқда.

Хотин-қизларнинг ҳақ-ҳўқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳудудларда зўриққан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича 155 та марказ, "Ишонч телефонлари" ташкил этилди.

Хабарингиз бор, ўтган қисқа даврда юртимизда уйма-уй юриб, ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали тизим яратилди. Ушбу тизим асосида 2018 йилда 47 миң 690 нафардан ортки оғир шароитда яшаётган, шунингдек, 13 миң 344 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг муаммоларини жойида ўрганилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ана шундай хотин-қизларнинг 14 миң 750 нафардан зиёдинга тиббий ёрдам кўрсатилди, 13 миң 636 нафари ишга жойлаштирилди, 24 миң 660 нафардан орткига 21 миңга яқин 540 миңлиқ сўмга яқин моддий ёрдам берилди. Шу тоифага мансуб, уй-жойга ахтиёж бўлган опа-сингилларимизга 4 миңга яқин арзон уй-жойлар топширилиб, давлат томонидан уларнинг бошланғич бадаллари тўлаб берилди. Ана шу турар жойлар атрофида тикувчилик шехлари ташкил этилиб, қарийб 1 миң нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Биз бу ишларни бундан буён ҳам албатта изчил давом эттираимиз. Жумладан, 2019 йилда 1 миң 576 нафар шароити оғир хотин-қизлар уй-жойлар билан, шу тоифага мансуб 13 миң нафардан зиёд қизлар иш билан таъминланди.

Хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан оғир шароитда яшаётган, ногиронлиги бўлган 1 миң 460 нафардан зиёд хотин-қизларга арзон уй-жойлар учун 54 миңлиқ 580 миңлиқ сўмдан ортки бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

Албатта, ҳақиқатан ҳам кўмакка муҳтож бўлган бундай аёлларга кейинги 10 йилда арзон уй-жойлар бериладигани ҳеч ким эслай олмас керак. Чунки бундай тизимнинг ўзи йўқ эди.

Шунингдек, жорий йилда оғир ижтимоий аҳволда яшаётган, ногиронлиги бўлган 15 миң 282 нафар аёлга тиббий ёрдам кўрсатилди. Шу тоифага қарайдиган 10 миңга яқин хотин-қиз ногиронлик аравачаси, эшитиш ва ҳаракатланиш воситалари билан таъминланди.

Аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган бундай мисолларни яна кўриб келтириш мумкин. Лекин ўзининг уй-жойига, иш ўрнига эга бўлган ҳар бир аёлнинг ортда оиласи, фарзандлари, ота-ониси, яқинлари борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қанча хонадонга қувонч киргани, қанча одамнинг руҳи кўтарилиб, уларда ҳаётга, келажакка ишонч пайдо бўлгани биз учун энг муҳим натижадир.

Муҳтарам йилгили иштирокчилари! Барчангиз яхши биласиз, халқимиз, миллатимиз қиз фарзандларини доимо асраб-авайлаб, меҳр билан воғаяга етказди. Уларни "она қизим" деб ардоқлайди. Чиндан ҳам, қизларимиз — бизнинг келажакимиз, миллатимиз генефондини асрайдиган, муносиб давом эттирадиган инсонлардир ва уларни жисмоний ҳамда маънавий баркамол этиб тарбиялаш — эзгу бурчимиз.

Айниқса, ҳозирги кунда қизларимизга замонавий таълим, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбия бериш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, оилага тайёрлаш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда барча таълим масканлари ва маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган "Қизларжон", "Қиз бола ва ёш оила", "Мустақил ҳаёт остонасида", "Ораста қизлар" каби клублар фаолиятини реал ҳаётга, ёшларимизнинг орзу-интилишларига янада яқинлаштириш керак, деб ўйлайман.

Давоми иккинчи саҳифада.



Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири

МВҚАДДАС

АЁЛ

Ошиқларинг пойингга гул отиб ҳам бўлди, Хилватларда лабиндан бол тотиб ҳам бўлди, Ва бу ҳақда кимларгадир сотиб ҳам бўлди, Сен барибир муқаддассан, Муқаддас аёл!

Авал: «Кел-эй, қучоғимга тўл, балқ», дедилар, Унамдинг, аёл ўзи терс «халқ», дедилар, Ичолмағач юз ўтириб шўр, талх, дедилар, Сен барибир муқаддассан, Муқаддас аёл!

Сен дарёсан, ўшанини кирғоқ яширар, Жуфтим бўл, — деб чопганини ҳар тоқ яширар, Жаннатим, — деб қувонмасдан қумлоқ яширар, Сен барибир муқаддассан, Муқаддас аёл!

Асли бу бор эрмакларнинг борар ери Сен, Росту ёлгон эртакларнинг борар ери Сен, Асов отдай эркакларнинг борар ери Сен, Сен барибир муқаддассан, Муқаддас аёл!

Чорлашганда сен келсан, гоҳ бекор келсанг-да, Масг даврага бир саринг ел, бир тор келсанг-да, Хор келсанг-да, номарларга гоҳ хор келсанг-да, Сен барибир муқаддассан, Муқаддас аёл!

Кимтинасан, астагина кўтарасан бош, Минг йилликдир кўзингдаги жоидирган ёш, Гуноҳкорлар миңга битта Сенга тегар тош, Сен барибир муқаддассан, Муқаддас аёл!

Ҳарир, ҳушбўй баланинга тошлар изи бор, Кўкрагингда эгилган не бошлар изи бор, Кўён изи, қуйайдиган қўеялар изи бор, Сен барибир муқаддассан, Муқаддас аёл!

1986 йил 28 сентябрь

Ифтихор

ХУМО ҚУШИ — БАҲЯТ ҚУШИ

Кўёштон юртимга жумла жаҳон парвона, Бош узра Хумо қуши — буюк бахтдан нишона, Қанотлари остиде бир давлат қад ростламин, Азми қатъий, мардона — Ўзбекистон ягона!

Бу қуш элга посбондир, йўлатмас ҳеч зоғларни, Кўкрагинда водийларни, бол улашган боғларни, Ҳар кимки бахт топгайдир, Бахт қушидан беғумон, Сен ҳам асра, эй кўнгли, бу мунаввар чоғларни.

Ҳар гўшада шодмонлик, ҳар қўнғилда ободлик, Бунда мангу саодат, бунда мангу озодлик, Бунда файзу шарофат, бунда тотувлик, севинч, Муаттарлар ҳар нафас, бунда ҳаёт ҳам тотлик.

Хумо қанотларидан ёйлар гул доларлар, Заҳматлар чаккасида қораяр оқ толалар, Шўкратларга кўкларнинг хуш ҳавоси эсгайдир, Шўкратнага айланар илтижолар, нодалар.

Ҳақ йўлида қарвонга Ҳақ мадалкор, паноҳдир, Бу халқнинг қудратига мангу қўён гуноҳдир, Бундай элда маърифат боғи яшнар беғумон, Бундай элда жаҳолат расмин тутмак гуноҳдир!

Улуғ матлаб йўлида Хумо соябон бўлсин, Юртим, ҳар бир ўғлонинг Алдай серсавлат бўлсин, Асрлар бешигида жаҳонгирлар улгайдир, Бу гул диёр бахт қучган Хумоюн давлат бўлсин.

Хар гулнинг ўз ифрои, рухсори бор

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА



Гулшога

Яна баҳор келди бизни соғиниб,
Ойлар санаб кутдик, гулга сизиниб.
Хар чечак ўзгача куйлайди баёт,
Яна гўзалликдан яшарди ҳаёт.

Хар гулнинг ўз чирои, рухсори бор,
Хар гулнинг мушки анбар ифори бор.
Гулсиз макон латофатга бегона,
Гуллар асли аёлларга дугона.

Гул бор жойда кўнгилларнинг севинчи бор,
Гул бор жойда ошиқларнинг севгиси бор.
Гул бор жойда жаранглайди тўй ва байрам,
Гул бор жойда, албатта, бор Гулчеҳра ҳам.

Бизнинг кексалар

Қариси бор уйнинг
Париси бор дейдилар...
Қариси бор уйнинг
Бариси бор, дейдилар...

Тинч оила устуни,
Иссиқ бағир бутуни,
Файз, барака ҳар кунин,
Бизнинг додо кексалар.

Умида АБДУАЗИМОВА



Сумалак

Сумалак учун бугдой ундирдик,
Кўкдан хурларни туш, деб кўндирдик.
Меҳр-оқибат эзгулик боши,
Кўкда парласин баҳор кўшини.

Фарида АНИС



Шамол

Ҳали тонг ҳам ёришмай туриб,
Деразанимни чертасан, қараб.
Уйноқлайсан пардамини кучиб,
Эркалайсан юзимни силаб.

Сен мендаини бунча шўхсан, айт,
Ё ўзимга тушиганмисан?
Кўнглим — дарё, мен эса — шамол,
Чап кўксимга ситишганмисан?

Ким севади сени, менингдек,
Ишқ ўтида девонадирман.
Йўқлаб келсанг аҳён-аҳёнда,
Атрофингда парвонадирман.

Қишқи гуллар, омонмисиз эй, бормисиз,
Қиш-қировдан эсон ўтган гулзормисиз,
Чинни гулим, атиргулим, бойчечагим,
Хонатласдек товланасиз, мойчечагим.

Тўрт фасл ҳам сизлар учун баҳор фасли,
Сиз бор жойда севишганлар бўлур таслим...
Сиз меҳр ва муҳаббатнинг дил изҳори,
Гулга боқиб унутилар дил озори...

Исмингизни ўғирлаган қиз қолмади,
Бирини Райҳон, бирини Лола ё Нилуфар,
Чиройлари мафтун этиб Мажнун қадар,
Мақтайвериб йиғитларда сўз қолмади.

Устоз

Ёшлар деганда устоз,
Қалба юксалар гурур.
Нечун бу қадар эъзоз,
Иzzат учун ташаккур.

Ўзим ҳали шоғирдман,
Бу ҳаёт мактабиди.
Не дунёлар бор экан
Этиб бўлмас тағиди...

Бир қувватим Бухоро,
Бир қудратим Тошкентим.
Илми донишлар аро,
Не синовлардан ўтдим.

Ҳам эшитдим, ҳам кўрдим,
Ҳам ўқидим, ҳам уқдим.
Идроким ожиз жойда,
Хатоларга йўқидим...

Ҳали билмаганим кўп,
Китоб сари яшасам.
Қани ёшлик қайтса хўб,
Янги ҳаёт бошласам.

Устоз номи — улўф ном,
Заҳматкашга муносиб.
Шон-шарафли бу унвон,
Хар кимга қилсин насиб.

Сафар кетганлар омон қайтсинлар,
Яхшилар нятига етсинлар.
Тонгда келинг деб сиз сумалакка,
Мен ҳам тутиндим шод кавламакка...

Дугонам

Солиҳларнинг белгиси зоҳир
Юзингиздан нур ёғар доим.
Хурдансиз аввали, охир,
Эй бола қалб, пок, мулойимим.

Сиз бор жойга барака ёғиб,
Сизни фаришталар кўриқлар.
Соғлом ақл, фитрати соғим,
Сизни раббим ўзи ярлақар.

Хавф ва ғам-ғуссани билмаган
Кишиларга ҳамсоядирсиз.
Ёмонликни раво қилмаган,
Ёмонлардан ҳимоядирсиз.

Сурат ва сийрати сойимим
Шоҳ, галога бирдек турали.
Беш вақт ибодатда қойимим,
Аллоҳ сизни яхши кўради!

О, суйганим, баҳорги шамол,
Уйготарсан бутун оламни.
Сен кетарсан армуғон этиб,
Гулларга кўмилган даламни.

Зелани

Ўчоқда қиқирлаб қуларди қумгон,
Энамнинг тандирин қирғоқларида.
Кўйроққоқ уйинатиб йўрғақлар эдим,
Қийқимдан уланган қуроқларида.

Офтобдан жизганак бўлган қалишим,
Оёғим кучарди энтикиб шодон.
Луччак шафтолининг остида укам,
Энамнинг маҳсисин тикарди обдон.

Шўрлик муштирапарим мук тушганича,
Меҳрини қадарди тўн жиягига.
Мен эса тентираб кўкни кучардим,
Осилиб ишқомларнинг қоқ иягига.

Олисан келарди "Ёр-ёр" садоси,
Томга чиқиб, тўйга бўйлайман.
Менинг Камронимни кўрганлар борми,
Кўнглимдан ўтганга бир-бир сўйлайман.

Кўринг, фурсат менинг кўлимдан юлқиб,
Олиб қочиб кетди кўйроққоғимни.
Мен ўша кунларни соғиниб қолдим,
Мен ҳамон эслайман овулчоғимни.

ЎКТАМОЙ



Оқшоли

Чулдирайди уйғоқ жилғалар
Тинмай чопар ботганга терга.
Ифорлардан маст-аласт бу тун
Этиб олар чалқанча ерга.
Жамбул сикимдаги мушқларин
Димоғларга юборар сочиб.
Бетакалдуф кирди еллар
Даричалай кўнгиллар очиб.
Чумолилар учинар яйраб
Мажнунтолни аргумчоғида.
Кўкдан тушган олифта нурлар
Чўмилишар анҳор бағрида.

Ситора ШАМСИДДИН



Рушана

Рушан, Рушан, Рушана, дугон,
Мовий кўзим, бормисан ўртоқ?
Юрагимда бошланди тўфон,
Кўргим келди сени ҳозирок.

Келгин, яна дарё тайёрлаймиз,
Кўчиргани бераман, майли.
Хулва ҳидли момонг тетикми,
Тут дарахнинг омонни ҳали?

Дилафрўз ЧОРИЕВА



Томга

Мафтункор тоғ гўзаллигини,
Кўзим ютди, қалбим смирди.
Шамолларнинг кўлидан тутиб,
Юксакларга қалбим югурди.

Тошларида унган гиёҳни,
Гулдастадай ҳидладим, ўндим.
Хар чўққиси, ҳар бир қоясин
Пир билдим мурилдай чўқдим.

Бургут каби ёзиб қанотим,
Тоғда тоғдек юксалди руҳим.
Қандай яхши юксакда яшаш,
Пардек тўзғиб кетди андуҳим...

Ўзгача бир тонг

Киприк қоқолмайсан тароватидан,
Жонинг хузур топар ҳаловатидан,
Юрагим сел бўлди тиловатидан,
Бу тонг ўзгача бир тонгдир, юрагим.

Кўнглида янграйди сеҳрли садо,
Шу садо мавжида уйғонар само,
Бахт қўшигин айтсам бўлмайди адо,
Бу тонг ўзгача бир тонгдир, юрагим.

Тун кўксини ёрган чақмоқнинг
Араваси келар қалдираб.
Ҳозиргина кўз очган гулни
Кўрқитади момоқалдирак.

Офтоб уриб кетди бақатеракни
Чучварадай қайнар биқир-биқир сой.
Шаббода силқитар қанотларини
Курбақа юзига чаплаб олган лой.
Осмондан қирқ боши сариқ аждаҳо
Оғзидан оловини пуркайди ерга.
Гугуртни яшириб қўяр қушчалар,
Шамолжон, қайдасан, заминни елли!
Чаккасига райҳон қистирганича
Бир хилват гўшанинг равзаларида
Ўзини елпитиб мажнунтоллорга
Шамол дам олмоқда ҳавза бўйида.

Чилқ

Билдурдай товланиб, моҳ каби ботсам
Маънос кўзларининг шафақларига.
Ҳофиз жилғаларнинг қўшигин ичиб
Етсам ул ҳайратнинг равоқларига.
Сендан кетган бўлай қора ёлғизлик,
Водийнинг бир нажиб оқшомларида.
Менинг гуноҳимсан, ҳеч кечолмайман,
Адашган умрининг туманларида.
Саждага бошимни қўймадим, ҳақ деб
Пойингга бош қўйдим, ёшлар сизади.
Оро йўлда танҳо сента сўяниб
Кеттум кўксимдаги яра изидан.

Кўзларингда болагимиз,
Беш олгандай турибди қулиб.
Кел дугона, бир дардлашайлик,
Тўлиб кетди юрагим, тўлиб!

Ҳаёт мени бекитиб қўйди,
Толиб кўр-чи эндиам, ўртоқ.
Топишмачоқ уйнади тақдир,
Излайвериб сочга тушиди оқ.

Йиллар, йўллар ўртада ҳайрон,
Биримиз кўз, биримиз қошмиз.
Армонлардан сўз оямгани, йўқ,
Биз ҳалиям ул олти ёшимиз.

Манзара

Бунчалар латифлик, бунча нафосат,
Тонгинг юрагиди чопқиллар жайрон.
Булбуллар уйқудан кўз очганида,
Жилмайиб турарди дарёда осмон.

Отахон даранинг кўксиди яшар,
Минг йиллик мозийдан нишона чинор.
Ватан тупроғида гуркираб яшар,
Болакай чиллиги — ям-яшил ниҳол!

Эъзога ОБИДЖОНОВА

Қишлоқ қизига

Кўлларингда бойчечак,
Тоғдан келаяпсанми?
Кулгучингдан бахт бичар,
Боғдан келаяпсанми?

Бошоқлар шовуллаган,
Хирмонингни кўргим бор.
Сен мақтаган сизирга,
Пичанларни ўргим бор.

Эрмакталаб эмасман,
Койимагин, дугонам.
Тупроғингдан йўрилган,
Менинг меҳрим, зуволам.

Фаминг курсини деҳқон қиз,
Каминг тўлсин, деҳқон қиз.
Дуррачангини четига,
Осилганим осмон, қиз?

Қалдирғол

Қанотинга осилиб олай,
Ё елкамга сен кўн, қалдирғоч.
Нафасдошимиз шу юрт бизники,
Айвонимда яша, бола оч.

Баҳор билан кутладинг, кутлуг
Бўлсин сенинг баҳорларинг ҳам.
Сени менга қариндош қилган,
Кўкларларга такаллуфдаман.

Ризқингни тер далаларимдан,
Ва қўшиб айт, менинг куйимни.
Хар баҳорда адашмай, толиб,
Келасан-а, менинг уйимни.

Эркатош ШУКУРОВА



Болажон

Боғимдаги атиргулим,
Ифорлари атир гулим.
Ватан боғ-у чаманига,
Ороларга татир гулим, болажон.

Ёвни ёғида қовуриб,
Фурбат уйига қулф уриб.
Зулмат қўйнига ўт қўйиб,
Эзуликлар сари юргин, болажон.

Ширин еган нон ва ошин,
Алмаштирма заққумларга.
Кул бўлмагин ёт, қуварга,
Берма юртинг душманларга, болажон.

Пойлариди нур эланиб,
Момонг ойдек ойланиб,
Бобонг юзга бойланиб,
Юрсин нурга чулғаниб, болажон.

Нурлар кирсин эшигингдан,
Чақалоқлар бешингидан,
Баҳор кулсин ҳуз — қишингда,
Кулсин омад қаз ишингда, болажон.

Жалолдин шаъни, шони,
Томирингда Темур қони.
Она Ўзбекистонинг
Бўлғил жасур, мард ўғлини, болажон.

Пастлама, ҳей, осмон кўнгли,
Юксаклардан сен қара.
Сени кўрмади одамлар,
Сен уларга бир қара.

Пастлама, ҳей, осмон кўнгли,
Юдузлар-ла қур суҳбат.
Босмасин ерни ғам, гафлат,
Тилагил меҳр-шафқат.

Пастлама, ҳей, осмон кўнгли,
Юксаклардан нур сочгини.
Юксаклардан гул тушини,
Қилтум ҳар кун тиловат.



Сева

Бентоат ўйлар сарҳадсиз,
Ёш кўнглимда орзуларим мўл.
Салом сента бормисан кўчам,
Қадрингим, тутишганим йўл.

Яна келдим исингни излаб,
Яна дилда беҳисоб соғинч.
Булоқларинг жайдираб сўзлар,
Жужукқинам мана қониб ич.

Онам ёнган нонлар, ассалом,
Омонмисиз улўф падарим.
Бардаммисиз, қўшини оғалар,
Фасларнинг заҳмати сари.

Сен-чи дўстим, қора кўзлинг,
Оловкин ҳамон юрагинг.
Кул босганда кўзларинг чўғини,
Бўлмадим менинг керагим.

Ҳа, ҳалиям ёниқ, навқирон,
Ишқи билан сой бошида жим.
Мен ёқтирган настаринларни,
Кўтарганча кутар аллаким...

Одил Ёқубовнинг барча асарлари китобхоналар томонидан нафақат алоҳида эътибор ва қизиқиш, балки соғинч билан кутиб олинган. Адибнинг дасарли бутун ижоди ўз вақтида барча нашриётларимизда қайта-қайта чоп этилган. Шундай бўлса-да, ўзлари ҳаётлик чорларидан, мустақилликдан кейинги кўп китоблари бизда — "Шарқ"да чиққан. Аввало, бунда ўша кезлардаги бизнинг раҳбаримиз Ислам Шогуломов билан ўзаро ақинлиги ҳам роль ўйнаган. Бу ақинлик шундан иборат эдики, қайта қуриш даврида Одил ака "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасини бошқарган. Газета эса "Шарқ"да чоп этилар ва шу боис улар иш ювасидан доимий мулоқотда бўлишган. Қолаверса, газетанинг адади ўша кезларда 800 мингдан зиёд бўлиб, бу босмахона учун "ахши буюртма" ҳисобланарди.



дошлари Озод Шарафидинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, бу ёғига Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Хайридин Султонов, Алишер Ибодинов, Назар Эшонқуллар ҳақида турли муносабатлар билан ёзилган, лекин самимий, ҳолис гаплар айтилган.

Китобда санъатимиз, маданиятимиз даргалари ҳақида ҳам кўплар билмаган, ҳаяжонли ҳолатлар қаламга олинган. Лекин бу китобдаги "мих" мақолалар — адибнинг Москвада, собиқ иттифок халқ депутатлар съездидаги нутқларида ўзбек халқининг, аёлларининг аянчли аҳоли, шўро сиёсати республикалар ҳаётини мустамлака даражасига солиб қўйгани рўй-рост, мардона очиб берилган.

Депутатлар ўшанда у кишини минбардан қарсақлар билан кузатиб қолган бўлса, Ўзбекистонда юртдошлар кўз ёшлар билан эшитишган. Одил Ёқубов ўзи раҳбарлик қилган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида ҳам ҳар бир сонда лоқал битта шундай — халқ дарди айтилган мақола бўлишини талаб қилганини яхши аслаймиз.

Китобда адибнинг сафдоши, маслакдоши, дўсти, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров билан ёзишмаларидан парчалар ҳам берилган. Кези келганда айтиш жоизки, бу икки атоқли ижодкорнинг ёзишмаларини, бир-бирларига ёзган хатларини алоҳида китоб қилиш режамиз ҳам бор.

Ушбу китобдаги кириш сўзида адабиётшунос Шўхрат Ризаев ёзганидек, "Олий минбарларда туриб дадил сўз айтиш, ўз халқининг келажаги учун қайғуриш — чин маънода маънавий жасорат эди. Одил Ёқубов умрининг сўнгги йилларигача уйғоқ виждон билан яшади, юрагидаги қўр билан тинимсиз ижод қилди. Балки айтиш шундайки ва фазилатлари туфайлидан у яратган асарлари, турли битиклари ва ирод этган нутқлари боис адиб жаҳон миқёсига менгазулик эътироф ва шараф топди".

"Сўз" китобини ўқиб, улуғ адибимизни соғинганлар уни кўргандай, уни эшитгандай, юзмаюз сўзлашгандай бўлади. Зеро, бу — Одил Ёқубовнинг "Сўз"и.

Ахрор АХМЕДОВ, "Шарқ" нашриёти бош муҳаррири

ОДИЛ ЁҚУБОВНИНГ "СЎЗ"И

Ким-ким, лекин Ислам ака бунақа буюртмачиларни маҳкам ушлар, табиийки, газетанинг биринчилардан бўлиб чоп этилишини таъминларди. Газета қанчалик фойда келтирмасин, раҳбаримиз китобга эътиборли эди. Ўзимизнинг яхши асарларимизни "оёғини ерга теккизмай" чоп этиш тарафдори бўлган. Хуллас, ўша кезларда муаллиф-ноширлик муносабатлари шаклланган эди.

Кейинроқ Одил аканинг тўрт жилдликларини тайёрладик. Орада яна уруш хотираликларига бағишланган "Қайда-сан, Марио" китоби чиқди. Айниқса, бу китоб оқсоқолни хурсанд қилди: чиройли босилган, муқовада хушрўй япон қизининг миллий кийимдаги расми бор эди. Бир кун телефон қилиб қолдилар:

Янги нашр

— Ахрар (Одил ака мени шундай қақирарди — А.А.), бу "Марио"ни қотирибсан-ку. Марям кенонинг рашк қилляпти, — дея қулдилар. — Шунга, кечкурун уйга келсанг, бир бешбармоқ қилиб бермоқчи.

Менинг тараддуланиб қолганимни сездилар, шекилли, "Келавер, ўртоғинг Искандар ҳам шу ерда бўлади", дедилар. Бундай бешбармоққурлик кейин ҳам давом этган.

Ўтган асрнинг охирида "XX аср ўзбек романи" деб номланган катта туркум ташкил қилгандик. Нуфузли бадиий ҳайъат тузиб, энг сара романларимиздан 10-12 та китобини саралаб, уларни бир илм кўркам ва салобатли муқова остида нашр қилдик. Унга оқсоқол ижодидан "Кўҳна

дунё" романи кирди. Қайта-қайта нашр қилдик, қайта-қайта севиб ўқилди. Бу асарни "Аср ошган асарлар" деб номланган туркумда лотин имлосида чоп этиб борапмиз.

Оқсоқол ўтгач, ҳамкорлигимиз тўхтаб қолди. Лекин бу орада Искандар хайри бир иш қилди: уларнинг ертўласида сақланаётган адибнинг кўзлэмаларидан тортиб, хатлар, турли ёзишмаларгача — барчасини саралаб чиқди. Яхши усталарга буюртма бериб, иккита сандиқ ясаптирди.

Йилларига қараб, кўзлэмаларни шу сандиқларга жойлаб, хатто мундарижа қилиб ёзиб чиқди. Бир гал бешбармоқдан кейин, ўша ёққа мени ҳам олиб тушди. Қилинган ишларнинг кўламини кўриб, аҳамиятини тасаввур қилиб, Искандарни кўтладим. Уларга шунчаки кўз ташлагандаёқ мислсиз бойлик, адабий ҳазина жамланганини ҳис қилдим. Жумладан, ушбу китобнинг жосяи ҳам ўшанда туғилганди. Режага кўра, уч китобдан иборат бўлишини чамалаган эдик. Мана, бир оз қўзилиб бўлса-да, унинг биринчиси дунё юзини кўрди.

"Сўз" китобини ўқиган одам катта ёзувчи, романнавис, қиссанавис деб билган адибнинг том маънода публицист, мунаххид эканлигини ҳам билиб олади ва хайратга тушади. Китобда Жомийдан тортиб Пушкингача, Жамбулдан Чингиз Айтматовгача бўлган жаҳон адабиёти намояндалари ҳақида ҳаяжонли, теша тегмаган, ҳолис, ҳаққоний фикрлар битилган. Элбек, Усмон Носир, Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Шайхзода, саф-

ОЙДИНЖ ҚЎШИҚЛАР

Сиз сўлим ва гўзал Бўстон қишлоғини биласизми? Хожайи Бўстон қабрларини зийрат қилганмисиз? Дарвозаси зулфинида ўн тўрт боланинг бармоқ излари бор Новача тўпаридидаги мўъжизаларга тўла ҳовлини-чи? Кўҳна тарих саҳифаларидан ўрин олган Шахривайронтепа харобаларидан хабардормисиз?.. Бу хайратли макону манзаралар Қизилтепа масканида. Қизилтепа Бухоро билан жондош, Ғижувон билан елкадош, Кармана билан дилдош, Нурота билан сирдош... Қизилтепа адабиётимизга Тошўлат Ҳамид, Душан Файзий, Тожи Қораев, Умид Сатторов, Садулло Аҳмад, Жаҳонгир Исмоилов, Азиз Саид, Ҳалима Аҳмад сингари таникли ижодкорларни етказиб берган табаррук диёр. Ушбу ижодкорлар орасида яна бир ёрқин юлдуз борки, бу юксак истеъдод эгаси Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева бўлади.

Ойдин опани адабиёт муҳлисари машҳур шоира сифатида билишади, ҳаммиса севиб мутолаа қилишади. Ижодкорнинг "Шабнам", "Мен севган қўшиқ", "Наво", "Тароват", "Паноҳим", "Шом шуълалари", "Тўрт танҳо" сингари китоблари аллақачон халқимизнинг маънавий мулкига айланган. У кишининг серқирра, сермазmun ва теран ижодини йирик адабиётшунослар, устозлар ва муҳлислар муносиб баҳолаб келишмоқда. Ушбу мухтасар мақоламизда Ойдин Ҳожиеванинг насрий асарлари ҳақида сўз юритмоқчимиз. "Тўрт танҳо", "Тонг тухфалари" сингари китобларини хузур қилиб ўқиганимдан сўнг, агар Ойдин опа насрда ёзганларида ҳам зўр ёзувчи бўлар экан, деб ўйлайдим.

Китобингизни ўқидим

Биз машҳур ижодкорларнинг болалиги ҳақидаги қизиқарли асарларини меҳр билан ўқиганимиз. Ойдин Ҳожиеванинг болалиги тўғрисидаги ёрқин ва ойдин хотираларга бой ушбу китобни хузурбахш қўшиқдай ўқилади. Бу дилбар қўшиқ гоҳ қувонч, гоҳ изтиробли авжларда янграйди. "Ховлими Навача тўпиди, — деб бошлайди ажойиб саргузаштларга, гаройиб воқеа ва ҳодисаларга бой

Худодан сўраб, яхши ният қилган экан. Унинг ҳаёти, умри ва ижод йўли ойдин бўлди. Ушбу хотиралардан аёнки, ойдинлик унинг тақдирига битилган экан. Хар бир фаслнинг тароватини, ҳуснини, рангларини, об-ҳавосини майиздаққина Ойдин қизалоқнинг нигоҳи, тасаввурни орқали кўраемиз. У гўё расмондек бетакрор манзараларни, чизаверади, чизаверади. Унинг маҳорат қалами билан чизилган бетакрор манзаралар ўқувчини хайратга солаверади: "Сутдай кеча. Илик шамол эсади. Баланд том тегасида олтин дарахтдай осмон эгилиб туради. Шохларида юлдузларми, оқ олмаларми? Бунча кўп? Дурдай-дурдай юлдузлар нимага ўхшайди экан-а? Онам кулганларида кўзлари шунча қарақлайди. Ҳа-я, тишлариям оппоқ! Кўзларидан юмшоқ нур юзларимга қўйлади. Қўйлақларидан-чи, нон иси келади...".

Ойдин хотираларини "Патила сочи қизалоқ". — Иморатлар кунгай қурилган. Бир ёқ паҳса девор Наврўз қоранинг, бир томони нўғай Акберовларнинг, бир қаноти эса Одил Бўронинг деворига туташ. Кунчиқар этагида томорқа. Ёзда бугдой пишади. Мен ҳўп қўшиб, хирмон янчганларини томоша қиламан. Катта суламиз бор...". Бундай аниқ ва тиниқ тасвирлар китобнинг асл маъзини ташкил этади.

"Уша Наврўз кўни, ўрик гулларига бурканган тонгда туғилган қизалоқ — Ҳожимурод бобонинг супра қоқдиси, Тошбиби холанинг ўн олтинчи дўнг пешона чақалоғи мен бўлман", дейди муаллиф ва исминини отаси "Ойдиной" деб қўйганигини фахр ва ифтихор билан ёзади.

Ота исм қўйиб, астойдил

Убондаги чиллахонадан шифо топади. Келинчақ отдай бўлиб кетди. "Сутма-сут фарзандлар кўрди". Воқеага муаллиф шундай изоҳ беради: "Болаликда гўвоҳ бўлганим бу воқеани унутолмайман. Муқаддас руҳлар қудратига ишонгим келади бугун".

Яна бир самимий мисралардан иборат "Тўйхона" ҳикояси гўё лирик дostonдай юракларга тароват бағишлайди. Ҳақиқий ўзбекона тўй манзараси чинакам миллий рангларда яратилган. Китобда турфа характерли одамлар, қиёфалар ҳаётий воқеалар, хангомалар орқали ёрқин очиб берилган. Масалан, соддагина Ҳамида холанинг ўғрларга пул санатгани, ашаддий ширахўр Рамазон жияннинг болаликдаги қилиқлари, мактаб муаллими қандай қилиб "Ланка домла" лақабини олганлиги, чиллак ўйинининг хузурбахш лаҳзалари, болаликнинг орзу-ҳаваслари, илк ижоди — дастрўмолчалар соғинчини қаламга олади. Чироқларни хотирлар экан: "Пиликнинг тилларидан мўъжиза пайдо бўлади", деб таъкидлайди.


Китоб Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, "завқ-шавақ билан" ўқилади. Унда кўҳна Бухоро ва унинг атрофидаги туманлар, қишлоқларда асрлар давомидида йўқолмай келаётган ноёб урф-одатлар, умрбоқий аъёналар жонли воқеалар, бахтли, бахтсиз тақдирлар, бетакрор ибратли ҳодисалар истеъдод билан ёзилган. Ойдин Ҳожиеванинг гўзал ва бетакрор шеърлари каби насрий асарлари ҳам қўшиқдай ўқилади. Уларни бир тиниқ, тоза ва ойдин қўшиқлар, деб атагим келди.



Ашуралӣ ЖўРАЕВ

"ХУШТАБЪЛИКДА ДУНЁНИНГ МАШҲУРИ"

Алишер Навоийнинг келини ҳам шоира бўлган



Шарқ мумтоз адабиёти тарихида, сўз санъати ривожидида ижодкор аёлларнинг алоҳида ўрни бор. Уларнинг ҳаёти, ижодлари ҳақида маълумот берувчи бирламчи манбаларнинг мавжудлиги эса эътиборга молик ҳодиса бўлиб, ушбу мавзуда ишлаётган тадқиқотчилар бундай бирламчи манбаларга ташнадир. Шундай ишончли манбалардан бири Алишер Навоийнинг шогирди, "Маҷолис ун-нафоис" тазкирасини форс тилига маҳорат билан таржима қилган Фаҳрий Хиравийнинг аёл ижодкорлар ҳақидаги "Жавоҳир ул-ажойиб" ("Ажойиб жаҳоҳирлар") номли қимматли тазкирасидир. Тазкира форс тилида 1554-1555 йилларда ёзилган. Унда қадимги даврдан XVI асргача яшаб ижод қилган ўттиз бир нафар шоира, адиба ҳақида қизиқарли, ноёб маълумотлар берилган, уларнинг турли шеърий жанрларда маҳорат билан қалам тебратишганидан хабар берувчи шеърларидан намуналар келтирилган. Фаҳрий Хиравий тазкирада шоиралар шеърларидан намуналар келтиришда, асосан, устози Навоийнинг "Маҷолис ун-нафоис" асарига хос услубни, яъни шеърӣ намуналарни матлаъ шаклида бериш услубини қўллаган ва шоиралар шеърларидан намуналар кўпроқ матлаъ шаклида навола қилинган.

Фаҳрий Хиравийнинг шоира ҳақидаги ажойиб фикрасида ҳасби ҳол характеридидаги изоҳлар, ака-ука Навоий ва Дарवेशалининг ҳаётига тааллуқли айрим ишончли маълумотлар ҳам мавжуд. Чунончи: "...Ва Офоқ бегим хуштабъликда дунёнинг машҳури эди. Амир Дарवेशали китобдорнинг хотини эди. Узоқ йиллар куббат ул-ислом — Балҳа ҳокимлик қилган ва Амир Алишернинг укаси эди. Ва Офоқ бегим Жалойир яхши шеърлар ёзган, улуг ва оддий одамлар орасида жуда машҳур бўлган эди". Тазкирадаги маълумотларда, унинг халқ орасида таниқли шоира эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Фикрада шоира ижодидан намуналар сифатида унинг форс тилида ёзган ғазалларининг тўртта мустақил матласи ва бир рӯйи боиси келтирилган. Фаҳрий Хиравийнинг "Бу матлаъ ҳам уники ва жуда яхши" деб ёзганидан билинадики, у шоира ижодидан янчи хабардор бўлган, асарларини синчиқлаб ўрганган. Шу ўринда тазкиранавис томонидан ёзиб қолдирилган Офоқ бегим Жалойирнинг "қунад" радиопли бир матласига эътиборимизни қаратсак:

Ашке, ки сар з-гўшан чашмам берун қунад, Ба рўйи ман нашинаду даъвоий хун қунад.

(Мазмуни: Кўзим гирдидан оқиб тушаётган ёш, Юзимда тўхтади-ю қон даъвосини қилди).

Тазкиранинг форс тилидан ўзбек тилига тўлиқ таржимаси Ўзбекистонда илк марта Ўзбекистон Қаҳрамони Сўйима Ғаниева томонидан амалга оширилган ва нашр қилинган ("Мумтоз сўз", 2014). Олима тазкира ҳақидаги сўзбошида шундай ёзади: "Бу маълумотлар баъзи ўринларда билганларимизни тўлдирди, ақсаран эса янги маълумотлар ёхуд янги шеърлар намуналаридир. Тазкирачилик аъна-насида аёл ижодкорлар ҳақида алоҳида таъкирлар яратиш йўналиши ҳам раванқ топган. Бу тазкиранинг адабиёт тарихи учун аҳамияти гоъят каттадир". Шу ўринда таржимоннинг фикр-мулоҳазаларига қўшимча сифатида, бирламчи манбалар асосида кейинги даврларда ёзилган Иброҳим Давроннинг "Ашъори нисвон" ("Аёллар шеърлари"), таниқли тожик олим Тожи Усмоннинг "Йигирма уч адиба" ва Тўхтасин Жалоловнинг икки жилдан иборат "Ўзбек шоирлари" номли китобларини ҳам ёнда олиш ўринлидир.


Назаримизда, ушбу матлаъ аёлларга хос ҳаётий қузатув, таассуротлар таъсирида ёзилган бўлиб, шоиранинг чўкур фалсафий, ижтимоий фикрлари замирида ётган ҳаётий кечинмаларининг таъсирини, рангин ифодаси, кичик бадиий лавҳадир. Қўздан оқиб тушаётган кўз ёшининг бир томчиси юзда мuddат туриб қолиши табиий бир ҳолат, аслида. Шоира инсон билан боғлиқ бундай табиий ҳолатларни тасвирлар экан, ноҳақ тўқилган кўз ёшлардан қўрқини, сақланмиши, огоҳ бўлиши, тавба қилиши таъкидлайди. Истеъдодли шоира ишончли, таъсирчан тасвирга эришишда илими бадеънинг муболага, ташхис, инток, тамсил, ирсולי масал каби шеърӣ санъатлардан санъаткорона фойдаланган. Қайсидир маънода матлаъ мазмунига халқимизнинг "Ўзингдан чиққан балага, қайга борасан даъвога" деган мақоли мазмунини сингдиргандек. Умуман, шоиранинг маъзур матласи унинг мушоҳада ва муҳокама қуввати, бадиий маҳоратининг юқори бўлганини кўрсатиб турибди.

Адабиётшунос Эргаш Очилов шоира рубойиларидан намуналар таржи-ма қилган.

Хуллас, Фаҳрий Хиравийнинг "Жавоҳир ул-ажойиб" номли тазкираси адабиётшунослик фани учун дурдона асар ҳисобланади. Тазкирадаги шоиралар ҳақида битилган фикралар, хусусан, Офоқ бегим Жалойирга бағишланган фикра ҳам фақат адабиётшунослик фани нуқтаи назаридан эмас, балки ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамиятга молик фикралардир.

Буробера РАҲАБОВА, Ўзр ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институтининг катта илмий ходими

Сурхондарё вилоят муסיқали драма театрида атоқли адиб Чингиз Айтматовнинг "Соҳил бўйлаб чопаетган Олапар" қиссаси асосида саҳналаштирилган "Шунқор" спектакли адиб таваллудининг тўқсон йиллигига муносиб тухфа бўлди.



ФАЛСАФАГА БОЙ ТОМОША

Саҳналаштирувчи режиссёр, Ўзбекистон санъат арбоби Мансур Равшанов томонидан юсак дид ҳамда усталлик билан қурилган мизансаҳналар воқеалар ҳаётлигини таъминлашда қўл келган. Жуда сокин, эркин ва кувнок тарзда бошланган сюжет аста-секинлик билан кучайиб, томошабин диққат-эътиборини саҳнага миклаб

Вилоят театрларида

қўяди. Чунки режиссёр рассом (У.Исмомиллов) билан яқин ижодий ҳамкорликда ишлагани учун ҳам илк саҳналарда одатда бўрон олдидан ҳукм сурадиган ажиб бир сокинлик муҳити яратилган. Саҳнада шу муҳит усталлик билан жонланган бисос, томошабин яқинлашиб келаётган тўфон буронни у хали бошланмай турибқо ҳис этади ва беихтиёр воқеа тириқчиликка айланади.

Спектакль ижодкорлари абадийлик рамзи бўлиши осмон, кўёш, уммон дея аталмиш учлик бағрида инсон умри кечинини файласуфна талқин этишга муваффақ бўлган. Ишбу саҳна воқеалари тириқчилик илинжида денгизга чиққан инсонлар тақдирини пистапучоқ мисоли чайқалиб турган олдийгина балкичилар қайиғида кечади. Қутилмаганда бошланиб кетган табиат журужлари эса томошабин кўз ўнгига инсон ҳаётининг омонат эканлигига ишора сифатида гавдаланади. Бошқача айтганда, инсон ва унинг тақдирини табиат, айниқса, тўфон кўтарилиб турган уммон олдига заррадек гап. М.Равшанов ўзига хос ечимларни, ургу ва таъкидларни ўрнида ва меъёрида қўлаши натижасида ана шу ҳаётий ҳақиқат саҳнада бор бўйича ўз ифодасини топган.

Аслида инсон ҳаёти табиат билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Лекин одам боласи ҳаётида худди спектаклдаги овчи қайиғидегилар дуч келгани каби ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Бундай кезларда тушқунликка туша бош-

лаган кўнгилларни кўкда чарақлаб турган кўёш ҳам ёрита олмайди. Ана шундай, муқаррар ҳалокатга олиб борувчи ҳолатга спектакль қахрамонлари ҳам дучор бўлишади. Режиссёр қахрамонларни, одатда шундай ночор вазиятга тушиб қолганда учрайдиган тушқун ҳолатда тасвирламайди. Аксинча, "денгиз билан тиллаша оладиган,

унинг синоатларини яқши билган, тўфонлари-ю қаҳрига дош берадиган" инсонлар сифатида тасвирлайди. Шунинг учун ҳам спектакль қахрамонлари кайфиятида тушқунлик сезилмайди. Бу эса режиссёр ва актёрларнинг маҳоратидан дарак берувчи талқин услубидир. М.Равшанов қайиқдагиларнинг бутун диққат-эътиборини Бола (Р. Обрахматова) образи атрофида жамлай олган. Яқинлашиб келаётган ҳалокатни қалбан ҳис этган қайиқдагилар болани, яъни келажакни қутқаришга интиладилар. Бир томчи бўлса-да, тоза ичимлик сувини болага берадилар, аммо ўзлари ҳалок бўладилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Йулдош Мирқурбонов, Бозор Рамазонов, тажрибали актёр Марат Шарипов бундай ҳолатларни маҳорат билан кўрсатиб берганлар. Айниқса, Й. Мирқурбонов ижросидаги Урхон бобо образи воқеа кечаётган манзилмадон ва давр руҳига шу қадар уйғунлашиб кетганки, беихтиёр денгиз қирғоғидаги олис овулда яшаётган дошиманд қиёфали қариялардан бирини атай спектаклда роль ижро этиш учун тақлиф этишимизки, деган фикр ўтади ҳаёлингиздан.

Спектакль ютуғини таъминлашда режиссёр топилмалари орасида инсонга етказаятган озорларини табиатнинг ўзи бартараф этишга қўр қориданги ғояси асар мазмунига усталлик билан сингдрилгани яққол сезилиб турибди. Шу

фалсафий ғоя тўғри танланганлигини денгиз қаҳрига чўкиши тайин бўлиб қолган танг ҳолатларда болага денгиз кучларининг мадада келиб, қайиқни ростлаб қўйиши тўла оқлайди. Бу жараён тўфон тинмагунча давом этиб туриши ургуни янада кучайтиришга хизмат қилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Хар қандай драматургик манба тўлақонли саҳна асарига айланшида айнан либос ва муסיқа муҳим аҳамият касб этади. "Шунқор"да воқеа жойига, мазмунига, илгари сурилатган ғояга мос ранглар ва либослар, муסיқалар танланган. Бу ўринда инсон руҳий қувватни аждодлардан олади, уларнинг хотирасини унутмасига ўзлигини танийди, деган ижтимоий-фалсафий қараш муҳимаси бўлганини кўрамай.

Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Масалан, кўёш мангу порлаб туради. Аммо унинг нурлари турли вазиятларда, худудларда турлича бўлиши ҳам бор гап. Қайиқ ҳам, қайиқдагилар ҳам қутилмаган тўфон туфайли минг кўйга тушади. Демак, кўёш жойлашиши ҳам шунга яраша ўзгариб, кичрайиб ёки баланд-пастлашиб турса, мақсадга мувофиқ бўларди. Спек-

таклда эса кўёш бир нуқтада турибди. Агар кўёшнинг бундай ўзгармас ҳолатда туриши ҳаёт мангу эканлигига ишора сифатида саҳна асари мазмунига киритилган бўлса, унда бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўриш керак. Демокчимизки, кўёш ҳозирча бу тушқунани аниқлаштиришга хизмат қилмапти. Чунки деярли ҳалокат ёқасига келиб қолган қайиқдагилар бирон жойда бўлсин, кўёш тафти ёки ҳароратини ҳис этгани сезилмайди. Шу маънода, кўёш оддий саҳна безағи ёки деталь вазифасини ўтаб турибди, холос.

Яна мулоҳаза шуки, қайиқни ҳаракатга келтирувчи саҳна ишчилари (балки актёрлардир) либослари ҳозиргидек яшил эмас, денгиз суви каби тўқ кўк рангда ва бичими бошқача бўлганда эди, у рамзий маъно касб этиб, режиссёр илгари сураётган ғояни янада ёрқинлаштирган бўларди. Чунки режиссёр қайиқни ҳаракатлантиришни шунчаки вазиятдан чиқиш учунгина қўллаган. Агар шундай бўлса, сув париларининг ёки онанинг тўқиллараро пайдо бўлиши, сув дарилари фалокатдан омон чиққан болакайга балиқ инъом этиши каби саҳналар аҳамиятсиз бўлиб қоларди. Шунинг учун ҳам қайиқни ҳаракатга келтирувчиларнинг либоси ишчи коржомасига ўхшаб қолмаслиги керак, деб ўйлаймиз.

Бироқ бу каби майда камчиликларга қарамай, театр ижодий жамоаси репертуарини яна битта жиддий саҳна асари билан бойитганини алоҳида қайд этиш керак. "Шунқор" спектакли нафақат вилоятимиз, балки республикамиз театр санъати тарихида ҳам муҳим воқеа бўлиб қолади, деган умиддамиз.

Исроил ШОМИРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уйюшмаси аъзоси

ҚЎШИҚҚА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Катта авлод вакиллари ўзбек эстрада санъати тамал тошини қўйган Ботир Зокиров, Луиза Зокирова, Эсон Қандов, Стахан Раҳимов, кейинроқ Муҳаббат Шамаева ва албатта, бетақорор истеъдод соҳиби Раъно Шарипова қўшиқларини тинглаб улғайган. У пайтлар ўзимиз ҳам хали мактабда ўқирдик, мумтоз ва эстрада қўшиқлари, лирик қўшиқлар деган ибораларнинг фарқи бормасдик. Лекин юқориде номлари тилга олинган хонандаларнинг қўшиқларини тушуниб, оҳангларига мос тебраниб тинглардик.

Улар орасида майин, ёқимли овози, ўзигагина хос ижроси билан ажралиб турувчи Раъно Шарипованинг "Ким ўзи", "Аяжоним, койиманг", "Гулчи қиз", "Шўх сабо", "Куйла, даврим хур қизи" каби қўшиқларини кўпчилик хиргойи қилиб юрарди. Сабаби, бу хоншар оҳанги ва сўзларининг халқоналиги, дилга яқинлиги ва самимийлигида, деб ўйлайман. Бугун Раъно она ҳақида сўз борганда, аксарият ҳолларда "афсонавий", "бебаҳо", "ўтган аср ўзбек эстрадаси маликаси", деган ибораларни кўп эшитамиз. Бундай эътирофларнинг сири нимада экани ҳақида ўйлаб қоламиз.

Хонанда билан яқиндан танишиб, онаси — актриса ва хонанда Берта Давидова-Шарипова, отаси — маърифатпарвар, санъатсевар Байзо Шарипов ҳақидаги суҳбатлардан баҳраманд бўлганимда, Раъно опадаги санъатга чексиз муҳаббат ва садоқатнинг сирини англагандек бўлдим. Айниқса, санъаткорнинг онаси ҳақидаги китобини ўқирганим, миллий санъатимизнинг, хусусан, бу машҳур санъаткорнинг ҳали очилмаган маҳорат қирралари қўлигига ишонч ҳосил қилди. Чунки Берта Давидова-Шарипова дастлаб рақоса, драматик актриса сифатида, кейинчалик 1934 йилдан нафақага чиққунига қадар Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри саҳнасида асосий ролларни ижро этиб, муҳлислар олқишига сазовор бўлган. Демак, Раъно Шариповадаги истеъдод, аввало, Оллоҳнинг инояти, қолаверса, онасидан ўтган. Берта опанинг оҳангдор тасмаларга муҳрланган мумтоз ашулаларини тинглаган одам бунга ишонч ҳосил қилади. "Қайсидаги маънода онамнинг тақориман, — дейди санъаткорнинг ўзи бу ҳақда. — Чунки болалигимдан куйлашни яқши кўраддим, ҳатто тушларимда ҳам куйлардим. Онамадига санъатга чексиз муҳаббат ва садоқат, у кишидаги камтарлик, самимият, софлик, оилага, халққа, она юртва муҳаббат мени ҳамisha ҳайратга солиб келарди".

Бугун эса муҳлислар Раъно Шарипованинг касби бўйича шифокорликда қирқ йил, қалб амри бўйича санъатда эллик йил бирдек муҳаббат билан фаолият юритганидан ҳайратдалар. Хар бир касбининг ўзига яраша пасту баландликлари бўлишини назарда тутсақ, санъаткорнинг сабр-тоқати, матонатига қўйил қолмай илож йўқ. Айна чоғда унинг қўшиқ ёки концерт учун зарур бўлган барча жараённи — режиссурадан бери пардоздан соч турмагигача ўзи ҳал қилганини инобатга олсак, унинг ўзига, ижодига қанчалар эътиборли ва талабчан бўлганини кўрамай. Р.Шарипова ижодий ютуқларининг асосида Сайфи Жалил, Эдуард Қаландаров, Хайри Изомов, Энам Солиҳов каби композиторлар, Муҳаммадхон Мирзаевдек етук бастакорлар, Пўлат Мўмин, Маъруф Қориев, Саида Зунунова, Хусниддин Шариповдек



нинг улуг санъаткорларидан бири бўлган Иосиф Кобзон Раъно Шарипова ҳақида гапириб, жумладан, шундай деган эди: "Раъно ҳар томонлама — хонанда сифатида ҳам, врач, рафиқа, она сифатида ҳам муҳаммад аёл. Унинг кўнгираддек овози, ҳамisha қулиб турувчи чеҳраси, дўстлар учун кенг очилган қучоғи, ўзбекна меҳмондўстлиги бизни доимо ўзига тортиб, ҳайратлантиради. Раъно Шарипова томоша маънода сеvimли санъаткор, сеvimли ўзбек аёлининг тимсоли. Уни яқши кўрадилар, самимий санъати учун ундан миннатдорлар... Раъно Шарипованинг бетақор овози узок йиллар жаранглаб турсин".

Нақадар ҳаққоний ва дилдан чиққан сўзлар. Раъно опанинг арҳивда бундай эътирофлар сон-саноксиз. Турли йилларда куйлаган хилма-хил қўшиқлари жамланган грампластинкалар, дисклардаги фильм-концертлар бугун Раъно Шарипованинг хотираларини тўлдириб, уларга сурур бағишлаб турибди. Умри давомида ёнида, барча ишларида елкадош бўлган, уни ҳамisha қўлаб-қувватлаган турмуш ўртоғи Пўлат Юсупов билан тинч-осуда, бахтли, хотиржам ҳаёт кечириётган Раъно Шарипованинг атрофида фарзандлари, невера, эваралари парвона. "Энг кичик неварам туғилган кунимга 50 та қўшигим ёзилган дискни совға қилди. Унинг бу совғасидан бошим қўкка етди, — дейди Р.Шарипова. — Ижодимни қўлаб-қувватлаб, зарур пайтда маҳкам келиб, меҳрини бошим узара кўёш қилган оила аъзоларимдан миннатдорман".

Биз ҳам кўпминг сонли муштарийларимиз номидан миллий эстрадамизнинг ёрқин вакили, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Шариповани кўтулуг 80 ёши билан чин дилдан кўтлаймиз. Оллоҳдан унч умр, мустаҳкам саломатлик сўраб қоламиз.

Гулчеҳра УМАРОВА

ХАЛҚОНА АСАРЛАР УСТАСИ ЭДИ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар келгуси авлодга ўзидан из қолдириш ниятида тўғрайдан аввал уйғониб, чаманлар яратиб ишқиди ёнадилар. Улар учун ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси ганимат.

Ўзбекистон халқ рассоми Зокир Иноғомов ана шундай ижодкорлар сирасидан эди.

Орадан йиллар ўтиб устоз ижодига назар ташлаш ёш умидли рассомлар учун ҳам фойдалан ҳоли эмас. Инсон ва ижодкор сифатида ниҳоятда камтарин ҳаёт кечирган Зокир Иноғомов 1919 йили Тошкент шаҳри яқинидаги Қорасув қишлоғида дунёга келган. Отаси моҳир қурувчи, онаси қўлигил каштачи бўлган. Мактабда ўқиб юрган вақтларидан расм чизишга қизиқар, кўрган нарсасини дарров қоғозга туширишга ҳаракат қиларди. Набатдаги расм дарсини тоқатсизлик билан кутарди. Уқувчининг қизиқчи устозлари диққатини тортмай қолмади. Уша вақтларда мактабдаги расм чизиш тўғрагига

биринчи ўзбек рассомларидан Ақром Тошкентбоев раҳбарлик қиларди. У ёш Зокир Иноғомовга расм чизиш сирларини ўргатгандан кейин, бадний техникумга ўқишга киришни маслаҳат берди ва бу тақлиф ёш рассомнинг келажак йўлини белгилади. Дастлаб ўқитувчиси, моҳир рассом Б.Ҳамдамийдан сабоқ олди. Устози талабалар билан суҳбат ўтказар, очик ҳавода қисқа муддатли расмлар чизди. Афсуски, ёш рассом назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлай олмади. 1939 йили ҳарбий хизматга чакрилди. Хизматни тугатиб юртига қайтай деб турганида, Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. 3.Иноғомов урушнинг сўнгги кунига қадар Узок Шарқда хизмат қилди. 1945 йили "Япония устидан қозонилган ғалаба учун" медали билан тақдирланди. Ватанга қайтган яна соҳага оид ўқиш-ўрганишга бел боғлади. Одамларнинг портретларини, этюд ва манзараларни чизиб юрди. Узок давом этган уруш ўз таъсирини ўтказган эди.

Унга тажрибали устознинг йўли-йўриги зарур бўлди. Бу борала рассом Н.Қарахоннинг маслаҳатлари унга асқотди. 1950-йилларда ўзбекистонлик рассомлар Москва ва Ленинград шаҳарларига ижодий сафарга юбориб туриларди. 3.Иноғомов Россияда таниқли рус рассоми А.Плостов билан учрашди ва санъат ҳақида дилдан суҳбатлашди. Бу учрашув унинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этди. Ёш рассом ўша йилларда Б.Иоансов, С.Герасимов, И.Чуйков, Ф.Решетников каби рассомларнинг устaxonаларида, Санкт-Петербургдаги рассомлар устaxonасида ва И.Репиннинг ўй-музейида бўлиб, Рус музейи, Эрмитаж залларини, Москвадаги Третьяков галереяси-ю Пушкин музейини ҳафталаб томоша қилди. Бой таассуротлар билан қайтган рассом Н.Қашина билан бирга улкан полотно устида иш



ги билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистон давлат Санъат музейидаги "Чойга", шу картина ёнидаги "Чойхоначи" картиналари музей залини безаб турибди. "Чойга" асариди чойга чақираётган ўзбек аёли қиёфаси том маънода миллий кўрinish касб этган. Айниқса, манзарали ҳолат эса қоларли ишланган. "Чойхоначи" асариди эса боғлаги дам олиш жойи тасвирланган. Дарахтга осилган карнайдан ўзбек миллий кўшиғи янграб, кўнгиларга ором бағишламоқда. Катта самовар қайнаган, чойхоначи елкасида сочиқ, қанд-қурсларни солиш учун патнисларни артиб тайёрларик кўрмоқда. Эғнида оқ яқтак, беллида маҳкам боғланган қийик, қийиғига чуст пичоғи осилган. Чойхоначининг очик табассуми, мулоийм қулиб турган юзи, бошида миллий дўппи кўнгли ҳам чеҳрасидек оқлигини яққол кўрсатиб турибди. Хар икки асарда ҳам қишлоқ ҳаёти моҳирона тасвирланган. 1959 йилнинг декабрь ойида Зокир Иноғомовнинг шахсий кўргазма-

Орта қолган элар

бошлади. Шу тариқа "Ҳосил" полотноси ишланиб, оммага тақдим этилди. 1954 йили "Ошпаз", "Боғда" каби картиналарини яратди.

Зокир Иноғомов ҳаётдаги қизиқ воқеаларни топиб, уларни ранглар ёрдамида ёритишга ҳаракат қилди. Шулардан "Керосинчи" асари ўтган кўнларимиздан қолган ҳаётий ёдгорлик, десак муболага бўлмайди. "Новвой" картинаси ҳузурбахш ҳаётнинг бир мўъжизасидек таассурот қолдирди. Зокир Иноғомов асарлари қалбга яқинлиги ва ҳаётийли-

ғи билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистон давлат Санъат музейидаги "Чойга", шу картина ёнидаги "Чойхоначи" картиналари музей залини безаб турибди. "Чойга" асариди чойга чақираётган ўзбек аёли қиёфаси том маънода миллий кўрinish касб этган. Айниқса, манзарали ҳолат эса қоларли ишланган. "Чойхоначи" асариди эса боғлаги дам олиш жойи тасвирланган. Дарахтга осилган карнайдан ўзбек миллий кўшиғи янграб, кўнгиларга ором бағишламоқда. Катта самовар қайнаган, чойхоначи елкасида сочиқ, қанд-қурсларни солиш учун патнисларни артиб тайёрларик кўрмоқда. Эғнида оқ яқтак, беллида маҳкам боғланган қийик, қийиғига чуст пичоғи осилган. Чойхоначининг очик табассуми, мулоийм қулиб турган юзи, бошида миллий дўппи кўнгли ҳам чеҳрасидек оқлигини яққол кўрсатиб турибди. Хар икки асарда ҳам қишлоқ ҳаёти моҳирона тасвирланган. 1959 йилнинг декабрь ойида Зокир Иноғомовнинг шахсий кўргазма-

сига ташириб буюрган давлат раҳбари Шароф Рашидов унинг асарларини кўриб "Мана, халқнинг ҳаётини моҳирона тасаввур этолган рассом", деб катта баҳо берган эди. Кўргазма рассом учун ўзига хос бир мактаб бўлди.

Бир кунги Қорасув соҳилига дам олиш учун келган индонезиялик талаба рассом эътиборини тортди. У билан танишиб, устахонасига тақлиф қилди, унинг портретини ишлаш нияти борлигини айтди. Шу тариқа "Индонез Исмет портрети" яратилди. Портрет очик ҳавода чизилган ўзига хос ажойиб асарлардан бири бўлиб қолди. Рассом, шунингдек, олдий меҳнатқашлар, ўзбек адабиёти, санъати равақига улкан ҳисса қўшган давлат арбоблари образларини ҳам яратди. "Халқпарвар", "Анорчи бобо", "Зухра Комилова портрети", "Қабоблаз", "Уғлим портрети", "Тоғ ёнбағрида" каби юзлаб миллий колорит уфуриб турган асарлари бунга мисол бўла олади.

Мустақиллик рассом ижодига барака ато этди. Унинг асарлари давлатимиз томонидан муносиб баҳолалиб, 1996 йили "Ўзбекистон халқ рассоми" унвонига сазовор бўлди. Атоқли рассомнинг беқийёс асарлари ҳамон санъат илосмандларига завқ бағишлаб келмоқда. Шу йил таваллуғига 100 йил тўлган 3.Иноғомов асарлари нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон музейларини ҳам безаб турибди. Ҳозирги ва келажак авлод учун мактаб вазифасини ўтаётган рассом картиналари халқимизнинг маданий мероси сифатида эъзозда.

Иқбол ИҶОМОВ,
Ўзбекистон Рассомлар
уйюшмаси аъзоси

АЖДОДЛАР МАДҲИ

Баҳорнинг илк кунини Камолитдин Беҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи қадим миниатюра санъати намоёндалири, шу соҳа мутахассислари ва муҳлислари билан гавжум бўлди. Ийгиликлари Камолитдин Беҳзод номидаги Давлат мукофоти соҳибини, таникли рассом Тойир Болтабоевнинг "Аждодлар мадҳи" номли шахсий кўргазмаси очилишининг гувоҳи бўлишди.



Кўргазмани очган Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов Т.Болтабоевнинг миллий миниатюра соҳасига катта ҳисса қўшиб келаятганини алоҳида таъкидлади. Тадбирда сўзга чиққан таникли рассомлар, санъатшунослар ва жамоат арбоблари ижодкорнинг Темирийлар тарихи давлат музейи, Париждаги Ўзбекистон элчихонаси биноси, Ўзбекистон Олий Мажлиси биносидидаги ишлари, "Алпомиш достони", Алишер Навоийнинг "Ҳамса" асари асосида ишланган Ўзбекистон маркази ва бошқа кўлаб миниатюра асарлари ҳақида фахр билан сўзладилар. Шу жумладан, мўъжаз миниатюра йўналишида Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Фирдавсий, Нозимий Ганжавий, Заҳриддин Бобур ҳамда "Гўрўгли" достонларига ишлаган туркум асарлари эътироф этилди. Мусаввир, шунингдек, кўлаб китобларга миниатюралар ишлашда ҳам фаол.

Тойир Болтабоевнинг 60 йиллиги муносабати билан ташкил этилган маъруз кўргазма тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Ҳақима ДАВЛАТОВА,
ўқитувчи



Рассомнинг "Чойга" асари репродукцияси

Болалигимизда қишлоқда электр бўлмаган. Ҳар куни мойчиқоқнинг шишаларини ярақлатиб қўямиз. Кечки овқатдан сўнг сандал атрофига жойлашиб, отам у ёқ-бу ёқдан озроқ гурун берган бўлади. Гурундан сўнг энам: "Улим, Эркинжон, достоннинг давомини ўқи", дейди. Эркин акамга жон қиради. Чироққа яқинроқ ўтириб олиб, бор товушда ширали овоз билан достон ўқийди. Биз Авазхону Муродхон, Алломишу Барчиной, Гурӯелию Равшанхон билан хаёлан бирга яшаймиз, таъвишларига шерик бўламиз. Отда бирга чопамиз, ёвга қарши курашамиз, улар ниятига эришсин деймиз. Туни билан тушларимизга ана шу полвонкелбат одамлар кириб чиқади.

Уйда ашула-қўшиқ ҳақида ҳам гурун бўларди:

- Қўшиқ одамни тарбиялайди, - деди асли педагог бўлган отам.
- Қандай қилиб? - сўрайди энам.
- Агар яхши ашула бўлса, одамни ўйлантиради. Ўйланган одам нима қилаётганини тарозига солади. Куй тинглашда ҳам ҳикмат кўп, - дейди отам.

У пайтлар қишлоғимизга санъаткорлар тез-тез келиб туришарди. Лойқа ва Бадахшон қишлоқлари ўртасидаги чорраҳа биқинидаги идора олдида концерт бўларди. Тахтадан омонат ясалган саҳна кичкина ва тор, томошабин минг-минг. Атроф қишлоқлардан ким тракторда, ким отда, ким эшакда, ким пиёда концерт кўрган келар, уловилар орқада, пиёда келганлар олдинги қаторда ўзлари олиб келган гилам, кўрпачаларга ўтириб концерт томоша қиларди. Отам хўжалик раҳбари бўлганиданми ёки саховати тутибми, биз томонларга келган ёзувчи, шоир, артистларни, албатта, уйимизда меҳмон қиларди. Концерт олдида ҳовлимиз ортидаги амира супада дастурхон ёзиларди. Концертда ҳам қаторнинг бошида отам ва бизнинг оила ўтирарди.

Ёз оиларининг бирида қишлоғимизга Таваккал Қодиров, Ҳабиба Ҳожиқабиева, Саттор Ярашев ва бошқа хонандалар гастролга келишди. Кечки салқин тушиб, одамлар гавжумлашганда тезроқ бошланглар, деб шовқин кўтарилгандай бўлди. Отам ўрнидан туриб бир ўтир қараш қилувди, эл жим бўлди. Ниҳоят, тахта курсичаларда ўтирган мусиқачилар куй бошлашди. Шундан сўнг Таваккал ака "Ухшайдику"ни ўхшати, "Дучава"ни бошлади. "Шунчамиди"ни ширали куйлади, "Доғман" билан доғланди, "Фасли навбахор ўлди"ни айтиб қишлоғимизга баҳор олиб келгандай бўлди. Гўё нафас олмай тингладим. Қўшиқ тугаганда гурун этиб олқишлар янгради. Мен отамга бир қараб олиб ҳовлимиздаги гулзордан олиб келган гулларимни ҳофизга бердим. У киши пешонамдан ўпиб қўйди. Бир маҳал Сат-

тор Ярашевга навбат берилди. У киши қайсибир операдан ария бошлаган эди, одамлар Таваккал акадан сўнг арияни қабул қилолмадилар. Саттор ака отамга қаради. Мусиқа чалаётганлар ҳам тўхтаб қолишди.

- Эсизгина, овози яхши экан-ку, - секин шивирлади энам. Отам жаҳд билан ўрнидан турди:

ҚУЁШИМ ЭНАМ

- Нима шовқин? Артистлар қишлоққа сизлар учун келишган. Хоҳламаган кетсин, - деди шиддат билан. Эл жим бўлди. Мусиқачилар яна шу куйни чалишди. Хонанда кўп қўшиқлар айтди. Энам санъатни, адабиётни қадрларди. Отам шундай ўз сўзини ўтказган пайтлари фахрланиб кетарди...

Отам Чимқўргондаги билим юртига директор бўлганда биз ўша жойга кўчиб бордик. Артистлар келса, ёзги клубда концерт бериларди. Бирдан Ҳалима Носирова келармиш, деган гап-сўз тарқалди. Ёз кунларидан бирида санъаткорлар келишди. Одатдагидек отам концерт олдида уларни бир пиёла чойга таклиф қилди. Айна туш маҳали уйимизга бир автобус бўлиб келишди. Чиройли кийинган, юз-қўзига оро берган аёлларни бу атрофда кўрмаганимиз учун уларга ҳайрат билан қарардик. Аёллар энам пиширган шўрвани, ошни мақтаб-мақтаб ейишди. Айниқса, Ҳалима опа:

- Қўлингиз жуда ширин экан, Ҳадичахон, - деганда энам яйраб кетди.

Кенга томон биз эшик-орани йиғиштириб, дастурхонларни саранжомладик. Хуллас, клубга борсак, концерт бошланган, Ҳалима опа ашулаларини айтиб бўлган экан. Ҳамсоя хотинлар энамга ачиниб қарашди:

- Опа, сиз Ҳалима опани яхши кўраман, девдингиз. Қўшигини айтиб бўлди,



кўра, Ҳалима Носирова яна қўшиқлар айтди, деб эълон қилди.

Энамнинг кўзлари севинчдан порлаб кетди. Ҳозиргина дилгирликдан толиқиб турган юзларига табассум ёйилди. Ўсма кўйилган қошлари секингина кўтарилиб-тушди. Отамга миннатдор нигоҳ ташлади. Орқадаги ҳамсоя хотинлар ҳам жим бўлди. Биз Ҳалима опага аталган гулларимизни силаб қўйдик. Бир маҳал саҳнага тўқ яшил узунгина помбархит кўйлак кийган, юзи ойни эслатадиган, ёйсимон қошлари керилган, икки ўрим узун сочи орқага ташланган, балдоқлари ўзига ярашган Ҳалима Носирова чиқиб келди. Унинг қўлида оқ таксимча бор эди. Саҳнанинг лабига келиб ўнг қўлини кўксига қўйганча элга таъзим қилди. Сўнг энамга қараб шундай гўзал табассум қилдики, сал қизғиш ёноқлари кўзимга оловдек бўлиб кўринди. Бундай чиройли кийинган", ўзига оро берган аёлни сира кўрмаганман...

- Ҳозир айтадиган ашулаларимни Хадичахонга бағишлайман!

Авал доира, сўнгра бошқа созлар нарма қилди. Ҳалима опа жарангдор овозда "Меҳнат аҳли"ни куйлай бошлади. Мен бу жарангдор овозни бир умр унутолмайман. Кўз олдимга пахта далалари, у ердаги теримчилар келди. Ҳар йили тонна-тонна пахта териб мукофотга атлас оладиган Хосият, Ойша, Анор, Гулнора, Бодом холаларимнинг нақш олмадай юзлари кўз олдимдан ўтди. Сўнг "Чаман ичра"ни бошлади. Бу сафар капалаклар учиб-қўниб юрган гулзор, барқ уриб очилиб ётган атиргулларнинг исини искагандек бўлдим. Ашулалар шундай баланд овозда янгардики, кичкина бўлсам ҳам юракларим титраб кетди. Энамни маҳкам қучоқлаб олдим. Қўшиқ тугаганда саҳнага югуриб чиқиб, гулларимни Ҳалима опага тутқаздим. Опа сочларимни силаб эркалаб қўйди. Гулларимни бағрига босганча яна кўп қуйлади.

Биз шундай машҳур санъаткор энамнинг номини айтганидан сўйиниб қарсак чалдик. Энам эса, отам ўз гурурини химоя қилгани учун миннатдор эди. Ривоят хикоятлар, мақолу маталларга тўн кийдириб, гап ким ҳақида, нима ҳақида эканига қараб чиройли мақоллар тўқишга моҳир энам ўшанда Ҳалимахон айтган ашулалардан бир байтни ёдлаб олиб, кўп йиллар киргойи қилиб юрди.

Биз шундай машҳур санъаткор энамнинг номини айтганидан сўйиниб қарсак чалдик. Энам эса, отам ўз гурурини химоя қилгани учун миннатдор эди. Ривоят хикоятлар, мақолу маталларга тўн кийдириб, гап ким ҳақида, нима ҳақида эканига қараб чиройли мақоллар тўқишга моҳир энам ўшанда Ҳалимахон айтган ашулалардан бир байтни ёдлаб олиб, кўп йиллар киргойи қилиб юрди.

Бошимдаги рўмолим, чаман ичра, Гул шохига илинди, чаман ичра...

Гулжаҳон МАРДОНОВА



ТЕЛЕФОН ОДОБИ

Кундалик ҳаётимизни телефонсиз тасаввур қилиш қийин. Қўнча тарихни эмас, яқин ўтмишни бир эслайлик. Талабалик йилларимизда қишлоқда телефон қилиб, бир оғизгина гапни айтиб қўйиш учун қанчалар овора бўлар эдик. Марказий телефон станциясига бориб, буюртма бергач, оператор қизининг таклифини соатлаб кутиб ўтирардик. Ниҳоят, навбат келган, "Анджон, еттинчи кабинага!" деган чорлов бўларди. Қўнча алоқа пайтида линияларда бир ишқал чикиб, яхши гаплалашмасдик ҳам. Энди булар бари тарих бўлиб қолди. Ҳозирги ёшларга бу гаплар худди эртақдай туюлади.

Очиги, телефонда гаплашишнинг ҳам ўзига яраша одоби, андишаси бор. Буни телефонга кўп иши тушадиганлар яхши билади.

Театрда саҳнада роль юкка энтаётган артистларни ёки бор вужуди билан спектакл томоша қилаётган ёнидаги томошабинларни назар-писанд қилмай, бемалол телефонда шангилаб гаплашиб ўтирадиган сурбетлар ҳам бор. Ёки меҳмондорчиликда ҳам-нинг гашини келтириб, қўл телефонидан бемалол лақиллашаверадиганлар-чи... Андишасизлик шу даражага етдики, шаҳар транспортларида кетаётган кўл телефонидан бор овози билан шангилаётган хотинларнинг барча сир-асрорини билиб оласиз.

Телефон, аввало, керакли ахборотни, зарур гапни етказиб қўйишга хизмат қиладиган муҳим восита эмасми? Айрим одамларнинг бу даражада ўзига эрк бериб юбориши ниманинг белгиси?!

Инсоннинг муомала маданияти телефондаги мулоқотларда ҳам яққол билинади. Мен бир жойга телефон қилсам, албатта, аввало, "Ассалому алайкум!" дейман. Афсуски, кўпинча саломга алик олиш ўрнига "Ким бу?" деган дағдагани эшитаман. Шундай пайтда худди бошимдан бир челақ совуқ сув куйилгандек бўлади. Асабим бузилса-да, ўзимни кўлга олиб, андак танбех оҳангига: "Мен сизга салом берайман" дейман. Шунда ҳам у томон хижолат бўлмайди, яна "Ким бу?" дея асабини эгловлайди. Махбур бўлиб иккинчи марта салом бераётганимни эслатаман. Бу гал пайтда ўрнига тоқатим берилади: "Ким керак?". Шунчақ пайтда кўпинча тоқатим тугаб, энсам қотиб, гўшаки жойига қўйиб қўяман.

Бирон жойга телефон қилмоқчи бўлсангиз биринчи галда сизга нима керак? Албатта, ўша жойнинг телефон рақами-да! Нега ҳаммага аён бу оддий ҳақиқатни эслатайман?

Бир журналист дўстим бор. Ниҳоятда назоқатли, маданият-ли одам. Шундай бўлса-да, битта камчилиги бор. Ана ўша дўстимга даврдош жўраларимиздан биронтасининг телефон рақами керак бўлиб қолса, хамиша менга мурожаат қилади. "Нега ўзинг билмайсан? Қачонгача мени безовта қиласан?" дея унга танбех беролмайман, кўнгли нозик, хафа бўлиши мумкин. Айтишларича, шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Гарри Каспаровнинг хотираси ниҳоятда кучли экан. У ўзига зарур бўлган ҳамма телефон рақамларини ёдда сақлаб қоларкан. Афсуски, ҳамма Каспаровдай бўлолмайди. Чораси битта — керакли телефон рақамлари учун алоҳида дафтар тутиш лозим бўлади. Ҳозир кўнчилик қўл телефонига ёзиб қўяди, мен — эски замон одами қўлда дафтарга қайд эттишни афзал кўраман.

Орамизда наинки телефон одоби, ҳатто оддий тартибни назар-писанд қилмайдиган одамлар ҳам борки, лоқайдликлари учун, аввало, ўзлари азият чекадилар, керакли телефон рақамини қидириб бўлса вақт сарфлайдилар. Ўша рақамни сўраб таниш-билишларини ҳам безовта қилдилар. Бу ҳам камлик қилганидек, сўраган рақамини айта бошласангиз, "Шошмай туринг, қоғоз-қалам тоғволай", дея узок мулдат куттириб қўйишдан хижолат чекмайдилар. Ваҳоланки, хоҳ ишхонада, хоҳ уйда бўлсин, телефон ёнида қоғоз, қалам хамиша тахт туриши керак.

Одатда, хотира ҳар қанча заиф бўлса ҳам яқин ёру биродарлар (яқин дўстлар саноқли бўлади), тез-тез мурожаат қилинадиган идораларнинг телефон рақамлари ахирги бориб ёдда сақланиб қолади. Мабоодо сақланиб қолмаса, албатта, ишончли жойга ёзиб қўйиш керак. Бошқа йўли йўқ.

Яна бир дўстим бор, уйига телефон қилсам, ўзидан олдин болакайлари югуриб келиб гўшакини (кўпинча гўшақ нотўғри қўйилгани учун телефони ишламай қолади) олишади. Бутун сўхбат давомида қий-чув, шовқин-сурон эшитилиб туради. Қайта-қайта ерга тушавериб, қирқ жойидан ўраб-чирмаб ташланган телефон аппарати кўз олдимга келади. Дўстим гоҳ сўхбат давомида "Шошманг, бир минут..." дея болалари билан андармон бўлиб кетади, мен бу ёқда энсам қотиб, кутиб тураман. Гоҳ, ҳазиллашиб, "Нима қилясиз ўзи, болани эмизясизми?" деб қўяман.

Бундай нохуш манзара-ҳолат ҳам сизга таниш туюлмаётими?.. Ёки булар шунчаки эътибор қилинмас ҳам бўлаверадиган майда иқир-чиқирларми? Сиз нима дейсиз?..

Шодмон ОТАБЕК,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



НООДАТИЙ КЎРГАЗМА

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида "Шаҳар — истикомат макони. Ҳайкалтарошлик" номли кўргазма очилди. Экспозициядан Д.Рўзибоев, А.Раҳматуллаев, А.Бойматов, Т.Тожиқоваев, А.Ҳотамов, М.Бородин, У.Уроқов, С.Шарипов каби таниқли рассомларнинг энг яхши ҳайкалтарошлик асарларидан намуналар ўрин олган. Ж.Анназаровнинг "Йўлда", М.Бородиннинг "Шишали шаршара", "Она ва бола қўшлар" санъатли кизикarli мавзудаги ишлари томошабинлар эътиборини тортди. Пластилин, ёғоч, шамот, гипс, темир ва бронзадан ясалган санъат асарлари замонавийлиги, мазмунан бойлиги билан ажралиб туради. Ушбу бетақорор композициялар, айтилик, "Она ва бола" хиббони ташкил этилиб, ундан А.Ҳотамовнинг ишлари ўрин олса, ёки "Ешлар хиббони"да Ж.Анназаровнинг ҳайкалтарошлик ишлари қад ростласа, шахримиз кўрқига янада файз бағишлаши мумкин.

С.ҚОСИМОВА

"GULISTON" 2019 йил 1-сон

Ўзига хос дизайн ва мазмунга эга "Guliston" журналининг илк саҳифалари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасидан иқтибослар билан бошланган. Муаллиф М.Бердимуродовнинг "Иқтисодиёт юраги доимо уриб турсин" сарлавҳали мақоласи 2019 йил "Фаол инвестициялар ва иқтисодий ривожланиш йили"га бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов билан сўхбатда журналхонларга таълим тизимидаги жараёнлар ҳамда бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиликлар тақдим этилган. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Муса Ернӣёев билан бош муҳаррир Маматқул Ҳазратқуловнинг сўхбатига тилга олинган мавзулар, хусусан, қорақалпоқ заминидagi бетимсол бунёдкорлик ишлари ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. "Шоир Шеру Шуур" рукнида Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг дилга яқин, соҳир шеърлари эълон қилинган бўлса, "XX аср ўзбек шеърляти" рукнида мумтоз ёзувчи Ойбекнинг ватан туйғусига йўғрилган шеърлари заъқ билан ўқилади. Улуғ бобомиз Алишер Навоий таваллуд кунига бағишланган Х.Болтабоевнинг "Гулранги қабосини му дейин!" сарлавҳали таҳтилий



мақоласи берилган саҳифадан Гафур Фуломнинг "Алишер Навоий қабри устида" шеъри ҳам жой олган.

Шоир ва шоҳ Заҳриддин Бобур таваллуд кунини муносабати билан "Бобур" видеофильмининг суратта олиниши, томошабинларнинг миннатдорлик мактублари ҳақида журналхонларга батафсил маълумот беришгани таҳсинга лойиқ.

Таниқли ёзувчи Асад Дилмурод ҳаётининг сўнгги кунларида ёзилган "Анийрон" эссеси, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Соғинч" ҳикосиси журналнинг насрга бағишланган саҳифасини янада бойитган.

З.Исломов, В.Луқомонов, К.Жонтоев, М.Шамсинг фалсафий мушоҳадаларга бой, қизикarli мақола ва сўхбатлари ўқувчиларга фикр уйғотиши, шубҳасиз. "Сарғаймас сатрлар" рукнида ёзувчи Шукур Холмировнинг "Чуққи сари зиналардан ўтавер..." мақоласи алинбнинг қизи Сайёра Холмирова ва шоир Абдулла Ориповнинг рафиқаси Ҳанифа Орипова ташаббуси билан илк бор журналда эълон қилинган. "Ҳар бир оиланинг қутубхонаси бўлсин", "Нафосат маскани", "Телефонда гаплашишни биласизми?" сингари долзарб мавзуларга бағишланган мақолалар, "Гулқайиш" рукнида берилган ҳажвия ва карикатура расмлари журналхонлар диққатини тортди, деб ўйлаймиз.

Адабий-бадиий нашрлар

"MOZIYDAN SADO" 2019 йил 1-сон

Журналнинг янги сони Акбар Ҳакимовнинг "Тарих — Ўзбекистон санъатида миллий уйғонининг омилли" сарлавҳали мақоласи билан расомларнинг энг яхши ҳайкалтарошлик асарларидан намуналар ўрин олган. Ж.Анназаровнинг "Йўлда", М.Бородиннинг "Шишали шаршара", "Она ва бола қўшлар" санъатли кизикarli мавзудаги ишлари томошабинлар эътиборини тортди. Пластилин, ёғоч, шамот, гипс, темир ва бронзадан ясалган санъат асарлари замонавийлиги, мазмунан бойлиги билан ажралиб туради. Ушбу бетақорор композициялар, айтилик, "Она ва бола" хиббони ташкил этилиб, ундан А.Ҳотамовнинг ишлари ўрин олса, ёки "Ешлар хиббони"да Ж.Анназаровнинг ҳайкалтарошлик ишлари қад ростласа, шахримиз кўрқига янада файз бағишлаши мумкин.

"Марказий Осиёда буддавийлик" (А.Азизқулов) мақоласида Буддавийлик динининг Кушон империяси даврида Марказий Осиёга кириб келиши ва бошқа мамлакатларга тарқалиши ҳақида муҳим фикрлар ўртага ташланган. "Хуросон пойтахти" Хирот шаҳри теурийлар давлатининг маркази бўлган. Амир Темур асос солган илмий муҳит теурий ҳукмдорлар раҳнамолигида ривожланиб, мислсиз тараққиёт босқичига кўтарилди", деб ёзади Шаръий Жужожий "Хирот — Теурийлар ма-



данияти маркази" номли мақоласида. Юсуф Сайдалиев, Нигора Каримова, Тамара Нуриддинованинг мусиқа, кино тарихи, археологияга бағишланган мақолалари, Соҳибқирон Амир Темур образининг яратилиш тарихи ва турли даврларда чизилган ранг-тавсир асарлари борасида Самандар Эгамбердиевнинг изланишлари, Хуршид Ҳайитбобоева, Нурулло Турсунов, Омон Муҳаммадхон, Дилдорохон Ҳошимованинг турли мавзудаги мақолалари, "Маданият афлоси" рукнида берилган маълумотлар мутахассислар ва ёш санъатшунослари бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилнинг: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзиллари: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир
Ўқтам МИРЗАЁР

Ҳа.иқори.и.ш.з:
akfa

Тахририятга келган кўзималар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлашиши мумкин.

Масъул қотиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Абдуҷаҳид АЗИМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
Адаби — 6568. Буюртма Г — 355.
Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222.
Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

Таққид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

ЖУМА КУНАРИ ЧИҚАДИ.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси.
Босмохона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 03.25.
Босишга топширилди — 02.20

СОТУВА НАРХИ ЭРИН.
ISSN 2181-114X

7 7 2 1 8 1 6 1 4 0 0 0